



Linguistic correlation and its oppositional principles

Bakhora SADIKOVA¹

Samarkand State Institute of Foreign Languages

ARTICLE INFO

Article history:

Received September 2023

Received in revised form

10 September 2023

Accepted 25 October 2023

Available online

15 December 2023

Keywords:

correlation,
opposition,
interdependence,
compatibility,
linguistic units,
correlative phenomena.

ABSTRACT

In this article, the scientific and theoretical foundations of the phenomenon of “*correlation*” in linguistics are studied based on various encyclopedias and explanatory dictionaries, and the subordinate foundations are analyzed about the principle of “*interdependence*,” which is considered as its main criterion. In particular, it has been determined that the main content of the theory of linguistic correlation is not only the concept of connection or *compatibility*, but it has also been studied as a linguistic phenomenon manifested through the principles of *opposition*, *statistics*, *compatibility*, and *difference*. In addition, by describing its use as a method of analysis specific to the study of linguistic phenomena, that is, as a correlation method, some general correlative characteristic features of modern linguistics were specified.

2181-3663/© 2023 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-3701-vol1-iss6-pp42-50>

This is an open-access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Лингвистик корреляция ва унинг оппозитив тамойиллари

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

корреляция,
оппозиция,
ўзаро боғлиқлик,
мослик,
лисоний бирликлар,
коррелятив ҳодисалар.

Мазкур мақолада тилшуносликдаги “*корреляция*” ҳодисасининг илмий-назарий тамойиллари турли хил қомусий ва изоҳли луғатлар асосида ўрганилган бўлиб, унинг бош мезони ҳисобланмиш “ўзаро боғлиқлик” тамойилига нисбатан субординатив асослар таҳлил қилинди. Хусусан, лисоний корреляция назариясининг асосий мазмун-моҳияти нафақат *боғлиқлик* ёки *мувофиқлик* тушунчасидан иборат эканлиги, балки, ўрганишлар натижасида унинг *оппозиция*, *статистика*, *мувофиқлик* ва *тафоввут* тамойиллари орқали намоён бўладиган лисоний

¹ Independent researcher, Samarkand State Institute of Foreign Languages. Uzbekistan. Samarkand.
E-mail: bahorabonu@mail.ru

феномен эканлиги аниқланди. Шунингдек, унинг лингвистик ҳодисаларни тадқиқ этишга хос таҳлил методи, яъни *корреляцион метод* сифатида қўлланишини тавсифлаш орқали замонавий тилшуносликка хос айрим умумкоррелятив хусусиятлар конкретлаштирилди.

Лингвистическая корреляция и ее оппозитивные принципы

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

корреляция,
оппозиция,
взаимозависимость,
сочетаемость,
языковые единицы,
коррелятивные явления.

В данной статье на основе различных энциклопедий и толковых словарей изучены научно-теоретические основы явления «*корреляция*» в лингвистике, а также проанализированы подчинённые основания применительно к принципу «*взаимозависимости*», который считается его главным критерием. В частности, определено, что основным содержанием теории языковой корреляции является не только понятие связь или сочетаемость, но, а также языковое явление, проявляющееся через принципы *оппозиция*, *статистика*, *сочетаемость* и *дифференциальность*. Кроме того, описывая его использование как метода анализа, специфичного для изучения языковых явлений, то есть как корреляционного метода, конкретизировались некоторые общие коррелятивные особенности, характерные для современной лингвистики.

Тилшунослик фанида *корреляция* тушунчаси кенгқамровли бўлиб, у фонетик, грамматик, лексик, стилистик, қолаверса, фразеологик ҳодисалар замирида асосли тарзда бирдек қўлланилади. Ушбу атама ўрта асрлар лотин тилига хос *correlatio* – *боғлиқлик* сўзига асосланган бўлиб, унинг мазмун-моҳияти икки ёки ундан ортиқ тил бирликларининг ўзаро алоқадорлиги ҳамда мувофиқлиги тушунчасини ифодалайди. Илмий нуқтаи назардан *корреляция* тушунчаси дастлаб XVIII асрда француз палеонтологи Жорж Кювье томонидан фанга киритилган бўлиб, у қазиб олинган ҳайвон қолдиқларини тирик мавжудотлар органлари орқали жуфт ўхшашлик асосида ўрганган ва шу орқали ҳайвонлар қиёфасини тиклаган (<https://kineziolog.su/>). Тилда *корреляция* атамасига синоним сифатида *автокорреляция*, *ўзаро боғлиқлик*, *ўзаро алоқадорлик*, *ўзаро мослик*, *кросскорреляция*, *алоқа*, *муносабат* каби атамалар ҳам ишлатилади (Словарь синонимов, /<https://rus-synonim-dict.slovaronline.com/>).

Корреляция назарияси тилшунослик соҳасида илк бор Н.С. Трубецкой томонидан фонология фанига нисбатан татбиқ этилган, яъни консонантизмга алоқадор жаранглилик ва жарангсизлик каби акустик хусусиятлардан тортиб, қаттиқ ва юмшоқ талаффузга доир артикуляцион хусусиятлар таҳлилида инobatга олинган. Шундан сўнг бошқа қатор лисоний ҳодисаларга хос корреляцион жиҳатлар ҳам тадқиқотлар объектига айланган. Демак, ушбу назария нафақат фонологияда, балки, тилнинг бошқа сатҳлари доирасида ҳам, хусусан, “*лексик корреляция*”, “*семантик корреляция*”, “*грамматик корреляция*” ҳамда замонавий

лингвистик йўналишлар бўйича “прагматик корреляция”, “когнитив корреляция” ва “лингвомаданий корреляция” сингари бир қатор тилшунослик объектларини ҳам кенг тарзда қамраб олиш мумкин. Бироқ тадқиқотчилар томонидан тилшуносликнинг мазкур санаб ўтилган кенжа йўналишларига хос корреляция назарияси масалаларига биров кам эътибор қаратилмоқда. Бундай замонавий йўналишларнинг лисоний бирликлари ўз соҳалари доирасида умумдифференциал белгилари орқали оппозицион тизимни ташкил этишини инобатга олсак, бу тизим албатта, коррелятив хусусият касб этиши муқаррар саналади. Шундай экан, корреляция ва унинг оппозитив тамойилларини тадқиқ этиш ушбу лингвистик ҳодисанинг лисоний ҳамда мантиқий моҳиятини мукамал англашда муҳим саналади. Шу сабабли ушбу мақолада корреляция назариясининг илмий-назарий тавсифини талқин қилиш ҳамда унинг асосий лисоний омилларини ёритишга ҳаракат қилмоқчимиз. Бунинг учун тегишли манбаларда келтирилган корреляция изоҳларининг мазмуний моҳиятига алоҳида эътибор қаратиш ўринлидир.

Маълумки, турли хил фанлар ракурсида корреляция ўзгарувчан унсурлар ўртасидаги ноаниқ муносабатларни топишга ёрдам беради. Бундай муносабатлар эса турлича бўлиши мумкин:

- бир омилнинг бошқа омил билан бевосита алоқадорлиги;
- бир омилнинг бошқа омил билан билвосита алоқадорлиги;
- иккита омилнинг учинчи омил билан алоқадорлиги.

Умуман олганда, корреляция 3 хил тарзда намоён бўлади:

- *ижобий корреляция* – коррелят унсурларнинг маълум бир кўрсаткичи ортса, иккинчи унсурнинг ҳам кўрсаткичлари ортади.

- *салбий корреляция* – коррелят унсурларнинг маълум бир кўрсаткичи ортса, иккинчи унсурнинг кўрсаткичлари эса камаяди.

- *нейтрал корреляция* – коррелят унсурлар кўрсаткичларининг ўзгариши (камайиши ёки ортиши) бир-бирига асло боғлиқ бўлмайди, балки, бошқа учинчи унсур билан алоқадор бўлади.

Оддий қилиб айтганда, корреляция икки мезоннинг ўзаро нисбати ва энг ўзгарувчан мезонлар ўртасида доимо учраши барқарор ҳисобланади.

Тилшунослик фанида қўлланиладиган корреляция тушунчасининг тегишли катта изоҳли луғатлардаги ёки қомусий манбалардаги, яъни айрим тиллар кесимидаги асосий лексикографик манбаларда келтирилган изоҳларига эътибор қаратсак, унинг мазмун ва ифода доираси хилма-хил эканлигига гувоҳ бўламиз. Қуйида уларнинг айримларига эътибор қаратмоқчимиз:

1.	Cambridge English Dictionary	<i>The condition of being correlated; mutual relation of two or more things (implying intimate or necessary connection). Connection or relationship between two or more facts, numbers, etc. (CED, https://dictionary.cambridge.org)</i>
2.	Grande Dizionario Italiano	1. <i>Relazione reciproca, rapporto di mutua dipendenza tra due o più elementi: due fatti in c. tra loro; il compenso è in c. con la mole di lavoro svolto.</i> 2. <i>FILOS. Nella filosofia di Aristotele, rapporto di opposizione fra due termini correlativi.</i> 3. <i>LING. Opposizione di due fonemi dello stesso paradigma. Correlazione dei tempi, concordanza dei tempi della proposizione principale e di quella subordinata. (GDI,</i>

		https://www.grandidizionari.it
3.	Trésor de la Langue Française	<i>Rapport existant entre deux choses, deux notions, deux faits dont l'un implique l'autre et réciproquement.</i> <i>Rapport de dépendance dû à un lien de cause à effet ou un lien créé par une cause commune, déterminée ou non. (L'idée de réciprocité est quelquefois absente).</i> (TLF, https://www.lalanguefrancaise.com)
4.	Большой словарь иностранных слов	1. Соотношение, взаимная зависимость сопоставляемых понятий (филос.). 2. Взаимная связь явлений, находящихся в известной зависимости друг от друга. (БСИС, 2003:10)
5.	Толковый переводовед-ческий словарь	1. Взаимная обусловленность, семиологическая зависимость двух или более единиц языка. 2. Соотношение, взаимосвязь, взаимозависимость. (ТПС, 2003: 94)
6.	Ўзбек тилининг изоҳли луғати	<i>Нарсалар ва тушунчалар ўртасидаги муносабат, уларнинг ўзаро мувофиқлиги ва бир-бирига боғлиқлиги.</i> <i>Тилш. лисоний унсурларнинг ўзаро шартланганлиги, улар ўртасидаги алоқа ва ўзаро боғлиқлик.</i> (ЎТИЛ www.ziyouz.com : 409)
7.	Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси	<i>Нарсалар ва функциялар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик, мослик ва муносабатни билдирувчи тушунча.</i> (ЎМЭ, www.ziyouz.com : 630)

Ушбу луғатларнинг изоҳларида берилган икки ёки ундан ортиқ нарс, воқеа-ҳодиса, фактлар, муносабатлар, унсурлар, тушунчалар, функциялар ва рақамлар мажмуини бир сўз билан умумлаштирган ҳолда “объект” деб номлаб, юқорида келтирилган таърифларнинг умумий мазмуни “икки хил объект ўртасидаги ўзаро боғлиқлик” тушунчасидан иборат, деб ҳисоблаш мумкин. Аммо “боғлиқлик” тушунчаси ушбу манбаларда турли хил ракурслар нуқтаи назардан тавсифланган. Масалан, “икки хил объектларнинг ўзаро боғлиқлик шарти”, “таққосланаётган ўзгарувчиларнинг бир – бирини тўлдириши”, яъни ўзаро компенсация қилиниши, “парадигма бирликларининг қарама-қаршилиги”, “бири иккинчисини тақозо қилувчи муносабат”, “семиологик боғлиқлик”, “лисоний унсурларнинг ўзаро шартланганлиги” сингари бир қатор изоҳли тушунтиришлар орқали изоҳ берилган. Демак, бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, “боғлиқлик” тушунчаси тилшуносликдаги *корреляция* ҳодисасининг асосий, яъни бош мезон ҳисобланса, унинг қўшимча изоҳлари вазифасидаги юқорида санаб ўтилган тушунтиришлар эса субординатив мезонлар саналади. Бундай субординатив мезонлар ўзларининг хилма-хиллиги билан ажралиб туради.

Айрим манбаларда *корреляция* – бу боғлиқлик эмас, деган фикрлар ҳам мавжуд (Розенталь Д.Э., Теленкова М.А. <https://blog.skillfactory.ru>). Бинобарин, агар иккита ўзгарувчи унсур бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлса, бу улар ўртасида ўзаро боғлиқ алоқа мавжудлигини англатмайди, балки, уларга хос кўрсаткичлар қандай боғлиқ эканлигини аниқ тушуниш учун *корреляция*нинг сабабларини алоҳида ўрганиш лозимлиги таъкидлангандир.

Маълум бир танганинг ҳам икки томони мавжуд бўлгани каби мазкур лисоний тушунча ҳам иккиёқлама нуқтаи назарни ўз ичига олади. Яъни тушунча ва ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлиги танганинг бир томонини ифодаласа, иккинчи

томони эса, ушбу ўзаро боғлиқ тушунча ва ҳодисалар ўртасидаги оппозицион хусусият танганинг иккинчи томонини ифодалайди. Бошқача қилиб айтганда, *корреляция* ҳодисаси тилшуносликда нафақат ўзаро боғлиқлик, балки қарама-қаршилик тамойилига ҳам асосланади. Шу нуқтаи назардан эътибор қаратилса, кўзга кўринган кўплаб лексикографик ва қомусий манбаларда *корреляция* тушунчаси юқорида кўриб ўтилгани каби фақат бир ёқлама талқин қилинган, яъни тушунча ва ҳодисалар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик жиҳати тилга олинган. Бироқ *корреляция* тушунчаси ҳам боғлиқлик, ҳам қарама-қаршилик хусусиятларини бирдек ифодалайди. Масалан, Н.С.Трубецкойнинг фонологик назариясида ҳам коррелятив ҳодисалар ўзаро оппозиция мезонларига кўра тавсифланади, яъни *жарангли* ва *жарангсиз* товушлар талқинида ҳам айнан қарама-қарши тушунчалар акс этади. Бинобарин, бирида жаранглилик хусусиятининг мавжудлиги, бирида эса ўша хусусиятнинг мавжуд эмаслиги орқали оппозитив *корреляция* инobatга олинади. Шунингдек, А.А.Соколянский ҳам консонантизмлардаги қаттиқлик ва юмшоқлик *корреляция*си тадқиқида айнан оппозиция тамойилларига асосланади (А.А.Соколянский, 2017:40). Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бу орқали *корреляция* танганинг асосий юза томонини акс эттирса, унинг орқа томонида эса оппозицион муносабатлар ифодаланганлигини таъкидлаш мумкин.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, аксарият манбаларда *корреляция* атамаси – икки ёки ундан ортиқ тил бирликларининг ўзаро боғлиқлиги, алоқадорлиги ва мувофиқлиги сифатида таърифланади. Бироқ ушбу таърифни мисоллар билан исботлаш мақсадида келтирилган лисоний ҳодисалар бир қарашда ўзларининг оппозицион хусусиятлари билан кўзга ташланади. Масалан, *жарангли* ва *жарангсиз*, қаттиқ ва юмшоқ ундошлар тизими (Розенталь Д.Э., Теленкова М.А. <https://blog.skillfactory.ru>), феълларга хос тугалланган ва тугалланмаган тур (совершенный / несовершенный вид) (Лингвистический словарь. <https://www.textologia.ru>), феъллардаги бўлишли ва бўлишсиз шакллар (А. Ҳожиёв, www.ziyouz.com) ва ҳоказоларни келтириш мумкин.

Дарҳақиқат, *корреляция* назариясида қарама-қарши туриш, яъни *оппозиция* *корреляция*нинг асосий мезонларидан бири ҳисобланади. Хусусан, *умумийлик* – *хусусийлик*, *ижобий* – *салбий*, *бирикиш* – *ажралиш*, *хилма-хиллик* – *бир хиллик*, *бир бутунлик* – *бир қисм* каби умумий тушунчалар тилшунослик фанида энг доминант қарама-қарши муносабатларни ифодалайди. Фикр исботи сифатида “Большая советская энциклопедия” китобида ҳам *корреляция* атамаси тилдаги лисоний бирликларнинг кенг маънодаги оппозициясини ифодалаш учун қўлланилади (БРЭ, 2017), деган изоҳни келтириш мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бирга, *корреляция* атамасига берилган изоҳларнинг айримларида ҳам тўғридан-тўғри оппозитив муносабатларга ишора қилинганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Масалан, қуйидаги манбаларда *корреляция*га тилшунослик фани нуқтаи назаридан берилган таърифларида *корреляция* ва *оппозиция* ажралмас, бир-бирини тақозо этувчи ҳодисалар сифатида талқин қилинади:

1) В.А.Виноградов таъбирига кўра тилшуносликдаги *корреляция* – тил тизимидаги лисоний бирликлар ўртасидаги қарама-қаршилик ва ўзаро фарқланувчи муносабатлар (БРЭ, 2017);

2) Т.В. Жеребилонинг таърифига кўра *корреляция* – 1) лисоний унсурларнинг ўзаро боғлиқлиги, алоқадорлиги ва ўзаро мувофиқлиги; 2) фонологик оппозициялар хилма-хиллиги (Т.В. Жеребило, 2010: 167);

3) “Большая советская энциклопедия” китобида корреляция – тилшуносликда тил бирликларининг (ҳар қайси тил сатҳида) бир-бирига қарама-қарши қўйилиши ёки маълум бир мезонларга кўра бир-бирига яқин туриши, ... тил тизимидаги бирликлар ўртасидаги қарама-қарши муносабатларнинг бир тури (БСЭ, 2003).

Келтирилган таърифлардан кўриниб турибдики, корреляция оппозитив хусусиятлар замиридаги ўзаро муносабат ва боғлиқлик тамойилларига асосланади.

О.С. Ахманованинг таърифига кўра корреляция тушунчаси 3 хил маънони ифодалаши мумкин:

1) икки ва ундан ортиқ тил бирликларининг ўзаро мувофиқлиги ва семиологик жиҳатдан боғлиқлиги;

2) синтаксисдаги боғли ва тобе муносабат ўртасидаги оралиқ алоқа тури;

3) маълум бир тилнинг тарихий ривожланиш жараёнидаги аниқ бир босқичига боғлиқ бўлмаган алмашиниш ҳолати (О.С. Ахманова, 2004: 209).

Ушбу тушунча асосан, икки ва ундан ортиқ тасодифий ўзгарувчан мослик ўртасидаги статистик боғлиқликни акс эттиради. У нафақат лисоний ҳодисалар, балки, биология, физиология, психология сингари фанлар доирасида ҳам кенг талқин этилади. Шундай экан, айнан *лингвистик корреляция* ва унинг тилшунослик фани доирасида тадқиқ этилишига эътибор қаратсак, ўзига хос турли хусусиятларга дуч келамиз. Масалан, *корреляция* назарияси тилнинг барча сатҳларига муваффақиятли тарзда бирдек татбиқ этилган (ЛЭС, 1990). Хусусан, Н.С. Трубецкой томонидан фонетик сатҳга, Р.О. Якобсон томонидан тилнинг бошқа сатҳларига, хусусан, лексик-грамматик сатҳига нисбатан қўлланилган, яъни феъл сўз туркумига хос сўзлар структураси ёки келишлар тизими доирасига, шунингдек, Ф.Ф. Фортунатов ва А.А. Шахматовлар томонидан морфологияни ўрганиш жараёнида бир туркумли ўзаро алоқадор сўзлар қаторига нисбатан татбиқ этилган. Айниқса, ифода плани ва мазмун плани доирасидаги бирликларга хос *семантик корреляция* қонуниятларини алоҳида тилга олиш лозим.

Семантик корреляция маълум бир тил доирасидаги ёки тиллараро семантик муносабатларда, масалан, от, феъл, сифат, равиш, олмош, боғловчи ва предлоглар сингари турли хил сўз туркумлари мисолида намоён бўлишига эътибор қаратсак, улар нафақат, *семантик* ёки *лексик корреляция* тизимининг асосий унсурлари, балки, бошқа соҳа коррелятив тизимларининг ҳам фундаментал асослари сифатида хизмат қила олади. Зеро, лексик бирликларнинг семантик майдони антонимия, синонимия, паронимия ва гипонимия ҳодисалари сингари семантик муносабат турларини тўлиқ қамраб олади.

Корреляция дастлаб стилистика соҳасида ўрганилганда такрор, яъни редупликация ҳодисасига нисбатан тадқиқ этилган (В.А. Кухаренко, 1956; И. Астафьева, 1962; И. Головкина, 1964;). Кейинчалик эса *корреляция* синтактик ҳодисаларга нисбатан татбиқ этилган. Хусусан, бош гап ва эргаш гап ўртасидаги мазмуний алоқадорликни очиб беришда ҳам айнан коррелятив хусусиятлардан фойдаланиш анча самарали ҳисобланади (В.П. Кобков, 1965; В.А. Храменко, 1967).

Шундан сўнг *корреляция* лексикология фани доирасида, яъни синонимик, антонимик, метонимик ва метафорик маънога эга бўлган номинатив тил бирликларининг коррелятив муносабатлари тадқиқ этила бошлаган (Р.Я.Шапири, 1979). Коррелятивлик хусусияти лексикология фанида лексик ва фразеологик бирликларга нисбатан қўлланилган ва унда лексик таркиби ва структураси қисман ўхшаш бўлган бироқ грамматик структураси ва маъноси кескин фарқ қиладиган бирликлар инobatга олинган (Р.В. Рафикова, 1972). *Корреляция* фразеология соҳасининг турли хил аспекти доирасида ўрганиб келинган. Хусусан, коррелятларнинг формал, позицион, семантик ва функционал тавсифлари шулар жумласидандир.

Ҳозирги замон тилшунослигида таржима соҳасида ҳам коррелятив хусусиятлар тадқиқи анча кўзга ташланади. Бу жараён асосан, “*тиллараро корреляция*” (В.Г. Никонова, 2014:58) ҳодисасида яққол намоён бўлади. Тиллар типологиясига хос бундай корреляцион муносабатлар даставвал тил қурилишининг формал структураси ҳамда турли хил тил соҳиблари бўлмиш турли халқ ва элатларнинг ижтимоий муҳити, регионал жиҳатдан ўзига хослиги, иқтисодий шароити сингари кўплаб омиллар замирида шаклланади. Бу эса ҳозирги замонавий тилшуносликнинг тилга оид бўлган ёки тилга оид бўлмаган факторлар билан боғлиқ қонуниятларини ўрганишда асқотиши табиийдир. D. Ladd ва унинг ҳамкасблари таъкидлаганидек, тил ва экстралингвистик факторлар ўртасидаги корреляцион хусусиятларни тадқиқ этиш сўнгги йилларда тилшуносликнинг энг янги йўналишларидан бири ҳисобланмоқда (D. Ladd, S. Roberts, D. Dediu, 2015: 223). Қолаверса, *корреляция* тушунчаси билан ҳозирги замон мутахассисларидан инженер-тилшунослар, статистлар, маркетинглог ва журналистлар ҳам кенг фойдаланмоқда. Хусусан, *корреляция* статистика билан боғлиқ бўлиб, унда бир индикатор ошганда, иккинчиси камайдими ёки ортади.

Сўнгги пайтларда замонавий тилшунослик соҳасида когнитив тасаввурлар корреляцияси (Н.В. Семенов, 2000), шеърий матнлар семантик корреляцияси (С.Г. Николаев, 2006), гендер хусусиятли топишмоқ матнларининг корреляцион моделлари (Е.Н. Лачугина, 2020) сингари бир қатор илмий изланишларда *корреляция* назариясининг антропоцентрик қарашларга нисбатан татбиқ этилиши кўзга ташланмоқда.

Мазкур таҳлилий изланиш натижасига **хулоса** тариқасида қуйидагиларни келтириш мумкин:

Тилшунослик фани доирасидаги *корреляция* ҳодисасининг таъриф ва тавсифларини ўрганиш унинг кенгқамровли тарзда таърифлашга имкон беради, яъни *лисоний корреляция* – бу икки ёки ундан ортиқ тил бирликлари ўртасидаги ўзаро алоқадор муносабатларни аниқлаш учун энг самарали омил бўлиб, у ўзаро боғлиқлик маъносини ифодалаган ҳолда лисоний тушунча, воқеа-ҳодиса, вазифа (функция) ва бирликлар ўртасидаги ўзаро мосликни, тафоввутни, нисбатни ҳамда оппозитив хусусиятларни ифодалаш учун хизмат қилади.

Таҳлил қилинган таърифлар асосида *лисоний корреляция* ҳодисасини, нафақат *боғлиқлик*, *балки*, *оппозиция*, *статистика*, *мувофиқлик* ва *тафоввут* (дифференциаллик) тамойиллари орқали намоён бўладиган лисоний феномен сифатида талқин қилиш мақсадга мувофиқ. Бу эса уни лингвистик бирликларни тадқиқ этишга хос таҳлил методларидан бири, яъни *корреляцион метод* сифатида қўлланишини ҳам асослашга ёрдам беради.

Ушбу кичик бир изланиш натижалари тилни мукамал ўрганишга хос айрим қоидаларни янада аниқлаштиришга, хусусан, лисоний ҳодисалар учун аҳамиятга молик “*корреляция*” тушунчасини чуқур ўрганиш имконини яратади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ:

1. Астафьева И. Виды синтаксических повторов, их природа стилистическое использование (на материале современного английского языка). Автореф.дисс.канд.фил.наук. –М., 1962. -19 с.
2. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – 2-е изд., стер. – М: УРСС : Едиториал УРСС, 2004. –С.209. / – 571 с.
3. Большой словарь иностранных слов : Более 24 000 слов / [Сост. А. Ю. Москвин]. – Москва : Центрполиграф, 2003. –С. 287. / – 815 с.
4. Головкина И. Повтор как стилистическое средство в различных видов и жанрах речи. Автореф.дисс.канд.фил.наук. –М., 1964. -19 с.
5. Жеребило Т.В. Словарь лингвистических терминов : Изд. 5-е, испр-е и дополн. — Назрань: Изд-во "Пилигрим". 2010. –С.167 / – 488 с.
6. Кобков В.П. Способы выражения повторяющихся смысловых компонентов в структуре предложения в современном английском языке. (в сопоставлении с русским). Автореф.дисс.канд.фил.наук. –М., 1965. -20с.
7. Кухаренко В.А. Виды повторов и их стилистическое использование произведения Ч.Диккенса. Автореф.дисс.канд.фил.наук. –М., 1956. -18 с.
8. Лачугина Е.Г. Корреляционные модели гендерно окрашенных загадок и разгадок (на материале английского, немецкого и русского языков). Автореф.дисс.канд.филол.наук. –Москва, 2020. -26 с.
9. Нелюбин Л.Л.. Толковый переводоведческий словарь / 3-е изд., перераб. — М.: Флинта: Наука, 2003. -С.94. / -320 с.
10. Николаев С.Г. Феноменология билингвизма в творчестве русских поэтов. Автореф.дисс.док.филол.наук. –Ростов на Дону, 2006. -48с.
11. Никонова В.Г. Межъязыковая речевая корреляция как проблема художественного перевода. // Науковий вісник ДДПУ імені І. Франка. Серія «Філологічні науки». Мовознавство. № 1, 2014. –С. 58-63.
12. Рафикова Р.В. Фразеологизмы с начальным глаголом to be в современном английском языке. Автореф.дисс.канд.фил.наук. –М., 1972. –С. / -19 с.
13. Соколянский А.А. Корреляция твердости / мягкости согласных в русском языке. / Международный научно-исследовательский журнал, № 02 (56), Часть 1. 2017, -С. 39-44.
14. Сувонова Н. Некоторые соображения о феномене редупликации во французской фразеологии//Иностранная филология: язык, литература, образование, -2020. – С.23-28.
15. Храменко В.А. Функциональный класс коррелятов в современном английском языке. // Ученые записи МГППИЯ им.М.Тореза. –Т. №37. –М., 1967.
16. Шапиро Р.Я. Коррелятивные номинативные единицы в предложении (на материале современного английского языка). Автореф.дисс.канд.фил.наук. – Калинин, 1979. -20 с.
17. Ladd D., Roberts S., Dediu D. Correlational studies in typological and historical Linguistics. // Annual Review of Linguistics, 2015, vol.1. –P.221-241.

18. Suvonova N.N. Adaptation of the principles of nomination of lexical and phraseological antonyms in language (on the example of French) //Derivative laws of language development: Proceedings of the Republican ...2009.
19. Большая российская энциклопедия (2004-2017) / Корреляция в лингвистике / <https://old.bigenc.ru/linguistics/text/2099892>
20. Большая советская энциклопедия / <https://dic.academic.ru/dic>.
21. Лингвистический словарь. <https://www.textologia.ru/slovari/>
22. Лингвистический энциклопедический словарь. Глав.ред. В.Н.Ярцева. – Москва: “Советская энциклопедия”, 1990. <https://tapemark.narod.ru>
23. Розенталь Д.Э., Теленкова М.А. Словарь-справочник лингвистических терминов.<https://blog.skillfactory.ru/glossary/korrelyatsiya>
24. Сазонов В.Ф. Корреляция и её смысл <https://kineziolog.su/content>
25. Семенова Н.В. Когнитивный аспект подтекстовой информации в переводе. Дисс.канд.филол.наук. –Уфа, 2000. -152 с. <http://www.dslib.net/sravnit-jazykoved>
26. Словарь синонимов / <https://rus-synonim-dict.slovaronline.com>
27. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –Тошкент: “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” давлат илмий нашриёти. –Б.409 / www.ziyouz.com kutubxonasi
28. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. –Тошкент: “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” давлат илмий нашриёти. –Б.630. / www.ziyouz.com kutubxonasi
29. Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. –Тошкент: “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” давлат илмий нашриёти. –Б.52. / www.ziyouz.com kutubxonasi
30. Cambridge English Dictionary / <https://dictionary.cambridge.org/dictionary>
31. Grande Dizionario Italiano di GABRIELLI ALDO / https://www.grandidizionari.it/dizionario_italiano.aspx
32. Trésor de la Langue Française /<https://www.lalanguefrancaise.com>